

EDUCATING YOUNG PEOPLE IN THE SPIRIT OF HUMANITY

Alisher Ruziyev
QarDU Professor

Abstract

The article argues that educating the youth of our country based on humanistic ideas creates the basis for ensuring the primacy of humanism in the spiritual image of young people.

Keywords: Return to the basics, humanitarian ideas, humanism, globalization, popular culture, national values, religious tolerance, interethnic harmony.

Introduction

ЁШЛАРНИ ИНСОНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ

QarDU Professore Alisher Ruziyev

Аннотация:

Мақоллада мамлакатимиз ёшларини инсонпарварлик ғоялари асосида тарбиялаш, ёшлар маънавий қиёфасида инсонпарварликни устуворлигини таъминлашга замин яратади.

Калит сўзлар: аслиятга қайтиш, инсонпарварлик ғоялари, гуманизм, глобаллашув, оммавий маданият, миллий қадриятлар, диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик.

Annotation:

The article argues that educating the youth of our country based on humanistic ideas creates the basis for ensuring the primacy of humanism in the spiritual image of young people.

Keywords: return to the basics, humanitarian ideas, humanism, globalization, popular culture, national values, religious tolerance, interethnic harmony.

Аннотация:

В статье воспитание молодежи нашей страны на основе идей гуманизма создает основу для обеспечения приоритета гуманизма в духовном образе молодежи.

Ключевые слова: возвращение к самобытности, идеям гуманизма, гуманизма, глобализации, массовой культуры, национальных ценностей, религиозной толерантности, согласия между народами.

Глобаллашув шароитида жаҳонда мазмунига кўра вайронкор, характериға кўра антигуманистик, яъни инсонпарварликни рад этувчи ғояларнинг мавжудлиги, уларнинг мамлакатимиз ёшлари маънавий қиёфасига кўрсатаётган салбий таъсирини олдини олиш йўлларида бири ёшларни инсонпарварлик руҳида тарбиялашдир. Гуманизм ғоялари асосида тарбияланган инсон, гуманистик типдаги инсон шахси бошқа типдаги шахслардан асосий фарқи шундаки, унинг барча хусусиятлари умуминсоний эътиқод, инсонни улуғлаш кайфияти билан суғорилгандир. Унинг ўзига хос хусусиятларини энг олийжаноб инсонпарварлик ғояларига содиқлик, ижтимоий адолат принципларига содиқлик, ижтимоий-сиёсий фаоллик ташкил этади. Бир сўз билан айтганда, гуманистик типдаги шахснинг моҳияти гуманизм, яъни инсонпарварлик ғоялари, миллий ва умуминсоний қадриятлар муштараклиги билан характерланади.

Инсонпарварлик ғоялари азал-азалдан мутафаккирларнинг диққат-марказида бўлган. Зардуштийлик динидаёқ инсон дунёда адолатни қарор топтирувчи қудрат эканлиги таъкидлаб ўтилган. Кейинчалик файласуфлар (масалан, Тертуллиан, Лактанций) ушбу терминни инсоннинг олий қадрият эканлигини ифодалашда ишлатдилар, уни улуғлаш, эътиёж ва манфаатларини қондириш ҳамиша бирламчи вазифа бўлмоғи зарурлигини уқдирдилар. Ўн тўққизинчи асрдан бошлаб файласуфлар ва тарихчилар асарларида бу тушунча тез-тез учраб турадиган бўлди. Бу даврга келиб, мазкур термин ёрдамида инсоннинг ахлоқий-ижтимоий фазилатлари ифодалана бошланди. Бизнинг давримизда ҳам «гуманизм» тушунчаси ижтимоий фалсафанинг энг долзарб категорияларидан бирилигича қолмоқда.

Гуманизм инсонни яхлит ва гармоник мавжудот сифатида талқин қилади.

Инсоннинг рухий оламида ҳис-туйғу ва ирода муҳим аҳамиятга эга, ақлнинг вазифаси эса ҳаётий муаммоларни ҳал этиб боришдан иборат бўлмоғи деган ғоя марказий ўрин тутди. Инсон табиатини бундай тушуниш унинг оламга фаол муносабатда бўлиши учун замин яратди.

«Гуманизм» тушунчаси ижтимоий тараққиёт мақсад ва воситаларининг инсонийлиги даражасини ҳам ифодалайди. Кишиларнинг ушбу фаровонликка эришиш йўлидаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий муносабатларининг характери гуманизм принципларига боғлиқ. Уларнинг энг асосийларини демократия, ижтимоий адолат, эркинлик, барчанинг қонун олдида тенглиги ва ҳоказолар ташкил этади.

Анъанавий жамиятда ахлоқий қадриятлар пойдевори мустаҳкам бўлади. Чунки бундай жамиятда ахлоқ меъёрларга риоя қилмаслик қаттиқ қораланади. Гуманистик типдаги шахс камолотида ахлоқий етукликнинг муҳим аҳамият касб этишининг сабаби шундаки, ахлоқ — инсон фаолиятини мувофиқлаштирувчи восита, оламни маънавий-амалий англаш воситасидир. Ахлоқан етук шахсгина ўз эътиёж ва манфаатларини жамият эътиёж ва манфаатлари билан мослаштира олади. Бироқ ахлоқан етук бўлиш жамиятдаги мавжуд ахлоқий нормаларни кўр-кўрона қабул қилиш, уларга мослашиш, жамиятни ёки жамоани доимо ҳақ деб қисоблашни англамайди. Бизга маълумки, жамиятда нотўғри, сохта ахлоқий нормалар (масалан, яшаб ўтган кишининг ортидан ёмон гапирмаслик) ҳукмрон бўлиши, жамият ёки жамоа ўз интеллектуал тараққиётида, ахлоқни тушунишида айрим шахслардан ортда қолиши ва натижада уни ахлоқсиз деб эълон қилиши ҳам мумкин. Инсонпарварлик ғоялари асосида тарбияланган шахс турли ахлоқий нормаларни инсонпарварлик призмасидан ўтказиб тақлил қилиб, унинг тўғрилигига ишонганидан кейингина ўз эътиқодига айлантиради.

Инсонпарварлик ғоялари асосида тарбияланган шахс маънавий қиёфасида ҳуқуқий комиллик ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Ўз ҳуқуқий мақомини чуқур англаб етган, жамиятда мавжуд ҳуқуқий билимларни ўзлаштирган, инсон ҳақ-қуқуқларига ахлоқ нуқтаи-назаридан баҳо бера оладиган, юксак ҳуқуқий маданиятга эга бўлган шахсни ҳуқуқий комил шахс деймиз.

Хуллас, мамлакатимиз ёшларини инсонпарварлик ғоялари асосида тарбиялаш, ёшлар маънавий қиёфасида инсонпарварликни устуворлигини

таъминлашга замин яратади.

Глобаллашув жараёни ҳозирги замон цивилизациясининг асосий тенденцияларидан биридир. Глобаллашув, яъни иқтисодиёт, молия, технология, сиёсий ва ҳуқуқий соҳа, ахборот муҳити, шунингдек, маданият ва инсон ҳаётининг бошқа соҳаларида кўп ёки камроқ ягона глобал тизимларни шакллантириш жараёнларининг йиғиндисиди; замонавий дунё тараққиётидаги энг сезиларли, ҳукмрон тенденцияларидан бирига айланди. Бугунги кунда глобаллашув жараёни жамият ҳаётининг деярли барча соҳаларини – ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавиятни қамраб олди. . “Глобаллашув” тушунчаси нафақат ўрнатилган жамият ва давлатлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва ўзаро таъсирларнинг кескин миқдорий ўсишини, балки жаҳон миқёсида янги тузилмалар, механизмлар ва институтларнинг шаклланиши, уларнинг миллий тараққиётга таъсирининг кучайиши тенденциясини ҳам ўзида ифодалайди.

Глобаллашув жараёнининг моҳиятини жаҳон мамлакатлари орасидаги иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий, илмий, экологик соҳалардаги алоқадорлик ва ҳамжиҳатлик ташкил этади. Бугунги кунда инсоният бирлашиши, жамиятнинг ҳар бир соҳасида алоқадорликни йўлга қўйиш зарурияти пайдо бўлди. Демак глобаллашув жамият ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётининг барча асосий жабҳаларини қамраб олувчи ниҳоятда мураккаб ва кўп қиррали жараёндир. Глобаллашув жараёни юқоридаги фикрларимизда таъкидлаганимиздек жамиятнинг маънавий соҳасига ҳам таъсирини ўтказмоқда. Демак глобаллашув жараёни инсон маънавий қиёфасига ҳам ўз таъсирини ўтказиши табиий ҳолдир. Глобаллашув жараёни инсон маънавий қиёфасига икки томонлама таъсир кўрсатмоқда. Биринчи инсон маънавий қиёфасига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Бу жараённинг инсон маънавий қиёфасига кўрсатаётган ижобий таъсири фан, илмий билимлар интеграциясида намоён бўлмоқда. Ахборот олиш, ахборот сақлаш. ахборот технологияларидан фойдаланиш имкониятлари ниҳоятда ривожланган. Инсон турмуш тарзи учун зарурий бўлган техника воситаларига эга бўлиш имкониятлари кенгайган. Мамлакатимиз аҳолисини интернет тармоқларидан фойдаланиш имконияти кундан - кунга ошиб бормоқда. Жамиятимизнинг барча соҳаларига рақамли технологиялар жорий этиляпти. Бунинг натижасида жаҳон мамлакатлари

орасида Ўзбекистоннинг халқаро нуфузи яънада мустаҳкамланиб бормоқда. Глобаллашувнинг ёшлар қиёфасига ижобий таъсири замонавий илм-фан ютуқларидан хабардорлиги даражасининг баландлиги, замон талабларидаги билим ва малакаларга эгаллиги, замонавий ахборот технологияларини ишлатиш, фойдаланиш кўникмаларининг шаклланиши билан боғлиқ. Глобаллашув жараёнининг мамлакатимиз ёшлари маънавий қиёфасига ижобий таъсири билан бир қаторда салбий таъсири ҳам мавжуд. Глобаллашув жараёнининг ўзига хос хусусиятларидан Ғарб ва Шарқ маданиятининг уйғунлашуви сабабли, Шарқ халқлари маданиятига ёт бўлган турмуш тарзининг элементлари ҳам ёшлар маънавий қиёфасига салбий таъсир кўрсатмоқда. Глобаллашув жараёнининг ёшлар маънавий қиёфасига салбий таъсири ахлоқий меъёрларнинг билан боғлиқ масалаларда намоён бўлмоқда. Масалан ёшларимизнинг аксарият қисмида Ғарб мамлакатлари маданиятига кўр-кўрона тақлид қилиши, ҳаётини, турмуш тарзини ёт маданият элементларига мослаштиришга интилишини мисол келтириш мумкин, Бундай салбий иллатлар индивидуализм, эгоцентризм, ахлоқсизлик, оилавий қадриятларнинг трансформацияси шаклида намоён бўлмоқда. Ёшлар маънавий қиёфасида глобаллашув жараёнининг салбий таъсирини олдини олиш ва бартараф этишда таълим ва тарбия жараёнида тарбиянинг барча шакллари, ахлоқий тарбия, ҳуқуқий тарбия, ақлий тарбия, илмий тарбия, эстетик тарбия, меҳнат тарбияси ,жисмоний тарбиянинг комплекс тарзда мукаммаллаштириш зарурияти мавжуд.

Асосий адабиётлар

1. Қуръони Карим. Абдулазиз Мансур таржимаси. Т., 2001.
2. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ҳадис 4 жилдлик Т., 1997.
3. Абу Исо ат-Термизий. Суннани Термизий. Т., 1999.
4. Абдулла Шер. Ахлоқшунослик. Дарслик. Т.:ЎФМЖ., 2010
5. Абдулла Шер.Эстетика. Дарслик. Т.:Ўзбекистон., 2016
6. Фитрат. Нажот йўли. Т., 2001.
7. Убайдуллаева Севара. Оила маданияти. Т., 2015.
8. Иброҳимов Абдуқаҳҳор. Ёруғлуғ. Т., 2006.



9. Анвар Чориев. Инсон фалсафаси. Инсон тўғрисидаги фалсафий фикрлар тараққиёти. Биринчи китоб. Т. 1998.

10. Жўраев Н. Маъанвият инсон қалбининг сарчашмаси. Т., 2015.

11. Рўзиев Алишер. Тарбия Дарслик . Қарши 2023

12. Рўзиев Алишер. Ёшларда маънавий- ахлоқий сифатларни тарбиялаш омиллари. Қарши 2023

Ахборот манбалари

1. <http://www.ziyonet.uz>
2. <http://www.edu.uz>
3. <http://www.google.uz>
4. <http://www.history.ru>